

O'ZBEKISTON




OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 13-iyul • Payshanba • 79 (27.571) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«ELUS»NING ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИ



Чирчик шаҳридаги «ELUS» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси асосан кичик трансформатор станциялари учун ускуналар тайёрлашга ихтисослашган. Мазкур корхонада ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш тобора тақомиллашиб бормоқда.

— Маълумки, бугунги кунда дунёда энергия ресурслари танқислиги юзага келмоқда, — дейди «ELUS» корхонаси бош директори Куронбой Бекчанов. — Бу эса энергия захираларидан унумли, тежаб-тергаб фойдаланишни талаб этади. Шу боис корхонамиз мутахассислари Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети профессор-



15

ўқитувчилари билан ҳамкорликда энергия тежовчи янги технологияларни яратиш устида иш олиб бораётир.

Айни пайтда 250 нафардан зиёд киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада кучлинишли трансформатор, кичик станциялар учун трансформаторлар тўплами, ток ўлчовчи трансформатор, юқори қувватли блок, умуман ўн турда ускуна ва жиҳозлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона шу вақтгача Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбекэнерго», «Ўзкимё-саноат», «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниялари буюртмаси асосида маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, эндиликда Қозоғистон, Россия, Афғонистон, Тожикистон, Бирлашган Араб Амирликлари каби хорижий мамлакатларга ҳам маҳсулотлар экспорт қилинаётир.

Ўтган йили жами 1 миллиард 340 миллион сўмлик маҳсулот чиқарган корхона жорий йил бу кўрсаткични 1,8 баробарга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ақмол НАЗАРОВ, ЎЗА муҳбири
Суратларда: тижорат ишлари бўйича директор ўринбосари Рафик Қаримов ишчилар Кенжабек ва Сапар Умаров; ишчилар Маҳлук Абдуллаев, Жонибек Султоновлар.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар

МУСТАҚИЛЛИК —

ОЛИЙ НЕЪМАТ, ШАРАФЛИ МАСЪУЛИЯТ,
БУЮК ИМКОНИЯТ!

Мамлакатимиз истиқлолнинг 15 йиллиги тобора яқинлашиб келмоқда. Тарих учун қисқа давр бўлган ўн беш йил ичида биз нималарга эришдик? Бир сўз билан айтганда мустақиллик халқимизга нима берди, деган саволлар бугун ҳар бир юрдошимиз кўнглидан ўтаётгани табиий.

Энг азиз, энг улғу, энг олий неъмат бўлган мустақиллигимиз тўғрисида ҳамюртларимиз кўнглидан бугун нелар кечмоқда?

Қосимжон ЁҚУБОВ, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, Бекobod тумани:

— Мен тарих фани ўқитувчисиман. Собiq шўролар тузуми бошқа республикалар қатори бизда ҳам ўтмишимизни сохталаштириш сиёсатини олиб борди. Аҳдодларимиз қимлиги, қимнинг авлодлари эканлигимизни билишга, англашга йўл берилмади.

Худого минг шўқри, мустақиллик туфайли ўнгилаёзган кадрларимиз тикланди. Барча соҳада дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган алломалар, машҳур саркардалар авлоди эканлигимизни англаб етдик. Бугун ёшларимиз асл тарихимизни ўқиб-ўрганишмоқда.

Улар замонавий мактаблар, лицей-коллежларда таълим олишмоқда. Ўқитувчига кўрсатилаётган эътибор ҳар қачонгидан ошди. Буларнинг барчаси истиқлол меваси.

Тарих ўқитувчиси сифатида айтганда бўлсам, мустақиллик бизга тарихимизни қайтариб берди.

Гулсум АБДУЛЛАЕВА, уй бекаси, Тошкент шаҳри:

— Мен мустақиллик шарофатини ўз оилам тақдиримда кўриб турибман. Ўғлим Беходжон истиқлол тенгдоши. У мамлакатимизда яратилган беқийс имкониятлар туфайли дунёнинг ўндан ортиқ давлатида бўлиб, ёш пианиночилар ўртасида ўтказилган халқаро фестивал ва кўрик-танловларда совринли ўринларни қўлга киритди. Айниқса, Қозоғистон, Италия, Хитой, Россия, Украинада ўтказилган халқаро танловларда қўри натижа кўрсатди, Гранпри совриндори бўлди.

Беходжон ўтган йили Нью-Йорк шаҳрига, 40 ёшгача

бўлган пианиночилар ўртасидаги халқаро фестивалга тақлиф этилди. Мазкур танловга ташриф буюрган дунёнинг энг кучли пианиночи мастер класслари уни Америка, Германия ва бошқа ўнлаб давлатларга ўқушга, концерт беришга тақлиф этилди. Бундан бошим осмонга етди. Ахир у юртимизнинг номини дунёга танитаётти, аҳдодларига муносиб бўлишга интиляпти-да.

Янги ўқув йилидан бошлаб Беходжон ўқушини жаҳонда биринчи ҳисобланадиган Нью-Йоркдаги «Жулиард» мусиқа коллежидо давом эттиради. Мустақиллик бўлмаганида шундай бахтга мўъжасар бўлармикди.

Дилфузахон ИСОМИДДИНОВА, Янгиқўрган туманидаги Қайроқи кишлоқ врачлик пункти мудир:

— Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар энг чекка кишлоқларда ҳам аққол кўзга ташланмоқда.

Туман марказидан 50 километр олинсада жойлашган бизнинг кишлоқ врачлик пунктимиз 1997 йилгача фельдшер акушерлик пункти мақомида фаолият юритиб келган. Ҳозир тиббий масканимиз кишлоқ врачлик пунктига айлантирилиб, шарт-шароити тубдан ўзгартирилди. Биз 3050 нафар кишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатамиз. Жамоамизда икки нафар олий тоифали умумамалиёт шифокори, етти нафар ўрта махсус маълумотга эга бўлган тиббиёт ходимлари бор.

Ўтган «Сихат-саломатлик йили»да виллоятимизда ўтказилган «Энг намунали кишлоқ врачлик пункти» кўрик-танловида олий ўринни эгаллаганимиз учун «Дамас» «тез ёрдам» машинаси ва 300 000 сўм пул мукофоти берилди.

Яқингинада виллоятимиздаги мавжуд кишлоқ врачлик пунклари «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида дастлабки 10 турдаги тиббий анжомлар билан таъминланди. Буларнинг бари, албатта, мустақиллигимиз шарофати.

Зубайдулла ҲАЙИТОВ, Тайлоқ туманидаги «Рафик» фермер хўжалиги раҳбари:

— Умирим кишлоқ хўжалигида ўтаётти. Бир пайтлар деҳқон меҳнати орқасидан бой бўлиши хаёлимизга ҳам келмаган. Йил ўн икки ой меҳнат қилиб деҳқоннинг қосаси оқармаган. Бугун меҳнат қиладиган, елиб-югурадиган одамнинг замончи келди. Қишлоқларимизда фермерлар пайдо бўлди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ер ўзининг ҳаққини эгасини топди. Деҳқон ўз меҳнатидан даромад кўраётти, оғибори донга, дастурхони нонга тўлаётти.

Биз ҳам бундан ўн йил олдин биринчилар қаторида фермерлик ҳаракатига қўшилганмиз. «Улғубек» номли хўжалик ҳудудидан беш гектар ер олиб, сабзавот етиштиришга киришганмиз. Ер ўзимизники, манфаатдорлигимиз юқори бўлганидан кейин меҳнатни ҳам шунга яраша қилдик. Ўтган йили 1,5 миллион сўм соф фойда олдик. Бундан ташқари, режадан ортиқча 16 тонна галлани аъзоларимиз билан бўлиб олдик. Етти оила шу хўжалик орқасидан рўзгор тейратаётти, ўғил ўйлантириб, қиз чиқараямиз. Фойдамиз ҳисобидан маҳалламизга хомийлик ёрдами кўрсатаётти.

Ҳозир 10 гектар еримиз бор. Галла ва сабзавот маҳсулотлари етиштирялтириш. Яқингина даромадчи мўлжаллаб турибмиз. Бугун меҳнат қилган кам бўлмастлигини ўз ҳаётимиз мисолида кўриб турибмиз.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ тайёрлади

• ЎЗХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Хурматли оқсоқоллар ва оқсоқолларнинг маслаҳатчилари!

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида бўлиб ўтган сайловларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари этиб сайланганингиз билан чин юракдан табриқлаймиз.

Сизнинг сафларингизда Ўзбекистон ХДП аъзоларининг салмоғи анчаллиги бизга мамнуният бахш этиши билан бирга, партиямиз зиммасига катта масъулият юклашини яхши тушунамиз.

Партияимизнинг барча ташкилотлари юртимизда тинчлик-товушликни асраш, маҳаллаларни обод қилиш, ёш авлодни тар-

биялашга муҳим ҳисса қўшаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳар томонлама, хусусан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари муаммоларини ечиш масалаларида бундан кейин ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар.

Ҳаммангизга мустақкам соғлиқ, оилаларингизга қўт-баракка, халқ манфаатлари йўлидаги ишларингизга омад ёр бўлсин!

Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўми Ҳайъати
2006 йил 11 июль

ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

Хонқа туман кенгашининг навбатдаги пленумида Марказий Кенгаш IV пленуми қарорларидан келиб чиққан ҳолда, партия мафқурасини амалга оширишдаги вазифалари, мафқуравий, тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш, партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказишнинг яқунлари ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Туман партия кенгаши раиси У.Сабиоров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ағаллаб турган лавозимидан озод этилди. Хонқа шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси вазифасида

ишлаб келган Хўшнуд Абдуллаев ЎЗХДП Хонқа туман кенгаши раиси этиб сайланди.

Пленумда ХДП Хоразм виллоят кенгаши раиси Р.Сабуиров иштирок этиб, туман партия ташкилотига амалга оширган ижобий ишлар билан бир қаторда мавжуд камчилик ва нуқсонлар, уларнинг ечими ҳақида тўхталди.

Чирчик шаҳар партия кенгашининг навбатдаги пленумида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 3 апрелдаги «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самара-

сини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Тошкент виллояти кенгаши IV пленумларининг мафқуравий ишларга оид кўрсатмаларини бажарилишини таъминлашга оид вазифалар муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан шаҳар партия кенгаши раиси До-ниёр Азизхўжаев маъруза қилди.

Муҳокамада сўзга чиққанлар мамлакатимиз аҳолиси ўртасида миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб этиш, дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган сиёсий жараёнларга нисбатан юрт-

дошларимизда онгли муносабатни, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва сародат руҳида тарбиялаш бора-сидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, миллий манфаатларимизга қарши қаратилган турли инфо-рмацион хуружларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишни кучайтириш зарурлигини қайд этилди.

2-бет



Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат

МАГИСТРЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Яқинда Тошкент архитектура қурилиш институтида олий даргоҳни муваффақиятга йетган 80 нафар магистрга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда магистрларнинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Бўлғуси олимлар илм-фан довоила-рининг биридан муваффақиятли ўтганлари учун энг ав-

вало устозларига ўз миннатдорчиликларини билдиришди. Мамлакатимиз олий таълим тизимидоги ислохотлар, мана неча йилдики ўз мевасини

бермоқда. Мана шу юрт учун фидойий бўлган иқтидорли ёшлар сони эса тобора ортиб бормоқда.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

ЖИЗЗАХЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР ХИРМОНИ

Қабул пунктларида 230 минг 600 тоннадан зиёд дон топишган Жиззах вилояти миришкорлари бу борадаги шартнома мажбуриятини бажардилар. Жиззахлик ғаллакорлар омилкорлик билан иш юритиб, суғориладиган ва лалми экин майдонларининг ҳар гектаридан ўртача 42 центнердан ошириб ҳосил олишди. Вилоят хирмонида Дўстлик, Мирзақул, Арнасой ва Пахтакор тумани фермерлари айниқса салмоқли ҳисса қўшдилар.

Жиззахда қишлоқ ҳўжалигининг тўлиқ фермер-

лаштирилгани кейинги йилларда тармоқда эришилган ютуқларнинг бош омилли бўлмоқда. Бу йил ғалла етиштирилган 9 минг 525 та фермер ҳўжалигининг асосий қисми давлатга дон сотиш режасини удрлади. Урим давомда комбайнлар ва автотранспорт воситаларидан унумли фойдаланилди.

Айни пайтда лалмикор майдонларда ўрим давом этаётир. Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгорланяпти.

Т.БЕКНАЗАРОВ, Ўза мухбири

ЎЗБЕКИСТОН «АЛ-АРАБИЯ» ТЕЛЕЭФИРИДА

Жорий йил апрелида «Ал-Арабия» телеканалининг Жанубий-Шарқий Осиё бўйича мухбирлик бюроси раҳбари Бакир Атияний Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Бир ҳафта мобайнида журналист республикамиз вилоятлари бўйлаб сафар қилди, Ўзбек халқининг тарихи, маданияти, аънава ва урф-одатларини ўрганди, юртимизда ислом қадриятларини эъозлаш, осори-атикаларни муҳофаза этиш масалалари билан қизиқди ҳамда бу борада талай видеоматериаллар тайёрлади.

Атияний Тошкент ислом университетида, Тошкент давлат шарҳунолик институтида, пойтахтдаги Шайх Заиниддин масжидидаги жума намозидида суратга олиш ишларини ўтказди. Шунингдек, Қўқалдош мадрасаси,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, халқаро кураш уюшмаси ва унинг машқ марказини ҳамда Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги қўллаб тарихий-маданий обидаларни тасвирга туширди.

У мамлакатимизда кўрганлари ва халқимизнинг меҳмондўстлигидан қалби ғоят ифтихорга тўлганини яширмади. Ўзбек талбалари ва мактаб ўқувчиларининг юксак билим даражаси уни ҳайратда қолдирди. Журналист буларнинг барчасини араб телетомошабинларига етказишга ҳаракат қилди. Июнь ойида Ал-Арабия эфирини орқали унинг «Ўзбекистонда араб тилини ўрганиш», «Ўзбекистонда чойхона», «Араблар Ўзбекистонда» номли

репортажлари узатилди. Яқин кунларда «Ўзбекистон ислом университетини» ва «Ўзбекистон бўйлаб тарихий сайр» репортажларининг намойиши этилиши кутилмоқда.

«Ал-Арабия» — мустақил сунъий йўлдош каналидир. Унга 2003 йилда Дубай шаҳрида (Бирлашган Араб Амирликлари) «Middle East News» компанияси томонидан асос солинган. Телеканал Яқин Шарқ, Европа, Жанубий-Шарқий ва Жанубий Осиё ва Америкадаги 300 миллиондан зиёд томошабинга араб тилида телекўрсатувлар узатади. У дунёнинг турли мамлакатларида қўқдан зиёд мухбирлик бюросига эга.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ, «Жаҳон» АА

• Бугуннинг гапи!

ТЕЖАМКОРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Тежамкор ҳайдовчи деб одадта бу ўз машинасининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, автомобилнинг ҳаракатланishi вақти, тезлиги ва тезланиши, тормозланиш динамикаси (самардорлиги) ва унинг узок мuddатда хизмат қилиш ресурси (захираси)ни ҳам тежаш ҳамда хавфсиз ва экологик соз (атрофмуҳитга зарар кўрсатмасдан) юрвчи ҳайдовчига айтилди.

Биринчи қоида. Тежамкор ҳайдашнинг энг оддий усули — бу газ педалини ахтиёткорлик ва меъёр билан охиригача босишдир. Бу борада бир вақтлар шофёрлар тайёрлаш мактабларида ўтилган «ом тухум қондаси» жуда қўл келади. Газ педалини шундай босишга риоя қилиш керакки, ўзингизни оёғингиз остига бир сават хом тухум қўйилган деб ҳис қилиб, уни охиригача босинг! Натижада, тезлатиш полдасидан келаётганда ёнгилик жуда минимал бўлиб, унинг таъсири деярли сезилмайди. Педалини кескин босганда эса катта «порция» — микдордаги бензин ёниш камерасига етиб келади. Шунинг учун, кескин тезланиш олиш режимида фавқулдда ҳолатлардаги фойдаланиш таъсия этилади.

Иккинчи қоида. Автомобилни бекордан бекорга тез-тез тормозлаш ҳаммага зиён. Тежамкор уста ҳайдовчи светофорнинг қизил чирчи ёнганда (чоррахага яқинлашаётганда) олдиндан газ педалини қўйиб юбориб, тормоз педалини босмасдан двигателнинг ва трансмиссиянинг ички

(Давоми. Бош ўтган сонда)

ишқаланиш кўчлари ёрдамида автомобилни тўхтади. Бунинг тескари тармоқлаш усули ҳам бор. Охириги усул — «олифта» ҳайдовчилар «шошқалоқ» тактикаси (санъати)ни тутишади.

Учинчи қоида. Шиналар босимини доимо нормал ҳолда олиб юриш — тежамкорлик гарови. Бу — манометрни ҳар куни бир неча марта текшириб туринг, дегани эмас. Аммо, ҳеч бўлмаганда ҳафтада бир марта бажарилса кифоя.

«Автокар» (Англия) журналининг таҳририяти шинадаги босимнинг ёнгилик сарфига таъсирини ўрганиш мақсадига махсус синов ўтказди. «Форд Капри 2.0» маркали автомобиль олд шиналарининг босими нормал кўрсаткичи 1,7 кг/см² (атм) ва орқа шиналарининг — 1,9, мувофиқ равишда 0,7 атм.га камайтирилди (олди — 1,0 атм ва орқаси — 1,2). Натижада шиналар шакли ўзгарганлиги сезилмади ва автомобилнинг бошқарувчанлик хусусиятига ҳам таъсир қилмади. Лекин ёнгилик сарфиёти ва разгон вақти ўзгарганлиги маълум бўлди. Буни қарангли, 100 км.га бензин сарфиёти 0,26 литрга ошди. Разгон эса 11 фоизга ёмонлашди.

Тўртинчи қоида. Автомобилга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини доимо вақтида ўтказиш — ёнгилик тежашда техник омил. Тўртинчи айтаганда, автосервис хизматини сифатсиз ва қоникорсиз ўтказиш — нафақат автомобилнинг умрини қисқартиради, балки ёнгилик сарфиёти ҳам кескин ошириб юборади.

Оддий бир мисол: автомобил-

нинг ёнгилик билан таъмирлаш тизими ишдан чиқса ёнгилик сарфи 20 фоизга ошади. Ўт олдириш жиҳозларида учрайдиган носозликлар туфайли 5-12 фоиз ёнгилик бекордан бекорга сарф бўлади. Янаям аниқлик киритсак: ўт олдириш свечаси (шамининг) учкун контактлари қурум босиши ва қўйиб емирилиши туфайли 100 км.га 0,66 литр бензин «ютиб юборилади». Бунда разгон олиш самардорлиги эса 7 фоизга ёмонлашади. Узгич-тақсимлагичнинг ўт олдириш бурчагини 7^о (градус)га илгарилатиш эса бензинни 100 км.га 0,68 литр қўл сарфлаб, разгон вақтини 11 фоизга қўйиб юбораркан.

Бешинчи қоида. Ҳаво филтри вазифаси нафақат асровчи омил — чангдан ҳумога қилиш ва тозалаш ҳамда тежамкорлик омили ҳамдир.

Битта енгил автомобиль бир соат ишлатиш мобайнида 200 м³ ҳаво «ютади». Ҳаво филтрини асосий тавсифловчи кўрсаткичи — бу тозалаш самардорлигидир. Ҳаво филтрининг ифлосланиши ишдан чиқши — 100 кмга 0,66 литр бензин сарфлаб, разгон вақтини 5 фоизга оширади.

Шунингдек, яна бир қатор қоидалари борки, уларнинг ҳаммасини ҳайдовчи обдон ўргани олиши керак бўлади. Масалан, автомобилнинг бошқарушида йилдиратиш (накат) усулидан фойдаланиш ҳам тежамкорликнинг ўндан бир талаби баҳариди, дейишга аризулик.

Шавкат ИБРОҲИМОВ, мухандис

Олтинсой туманидаги «Пахтакор» ширкат ҳўжалиги эртаниндин тутатилиш арафасида. Олтинсой тумани суд ижрочилири бўлимасидан олинган маълумотга қараганда ҳўжаликнинг солиққа ундирилиши керак бўлган қарзининг ўзи ярим миллиардга яқин... Бунга ҳали бошқа қарзлар (масалан, иш ҳақи, ёқилғи-мўйлаш маҳсулотларидан, МТП ва ҳақозолардан бўлган қарз) ҳам қўшилиши мумкинлигини инобатга олсак ҳўжаликнинг бугунги аҳоли нақадар ачинарли эканлигини сезиш қийин бўлмайди. Афсуски, бу ерда ҳам раҳбарлар кўнимсизлиги ва жамоа мулкига ҳўжаласизларча муносабат, айтиш мумкинки, ҳўжаликни мана шундай қарзга ботирди.

Масалан, сўнгги уч йилда ҳўжаликда учта раҳбар алмашган. Шунлардан собиқ иккаласи — З.Абдурахимов ва А.Мўминов айнан ширкат билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатлар қилгани учун айбдор топилган. З.Абдурахимов жиноят ишларини бўйича Олтинсой туман суди томонидан (2004 йил 11 декабрь) Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми «В» банди, 168-моддаси 1-қисми, 168-моддаси 2-қисми «А,Б,В» бандларида кўрсатилган жиноят содир этганлиқда айбланган эди. У кишининг ўрнига келган А.Мўминов эса ҳўжалик марказий омибор мудири Аҳмад Алмардановдан олган бир ярим миллион сўм шахсий қарзини шу йил январь ойида ҳўжалик фермасидаги 12 бosh қорамолни бериб, «узди»...

Тўртинчи айтадиган бўлсак, бир вақтлар чорвачилик гуруллаг ривожланган ушбу ҳўжаликда шу икки инсон раҳбарлиги пайтида қўллаб фермалар ва бошқа мол-мулклар сотувга қўйилди. Масалан, Жиндибулоқ маҳалласидаги молхона биноси ва лой бостирма навес ҳамда темир панжаралардан иборат бўлган молхона биноси 2004 йили

ҳўжалик ҳисобчиси У.Турумовга 2769000 сўмга сотилган бўлса, Оқарбулоқ маҳалласидаги молхона биноси ва 3 дона навес 2031900 сўм баҳосида ҳисобланган. Шу маҳалладаги бузоқлар ва гунаҳиллар парвароши қўлланадиган эски молхона биноси ҳам, чўққона ва товўқхоналар ҳам улар даврида сотиб юборилган. Булар қаторига яна қўпгина бино ва объектлар, хусусан, маиший хизмат уйи ҳамда қишлоқ марказий ҳаммомини ҳам киритиш мумкин. Биргина «Олтинсой тонги» газетасининг 2005 йил 30 апрель сонидида берилган эълонда ҳўжаликнинг кўчмас мулк ва транспорт воситаларидан жами 57 дониси сотилиши маълум қилинган. Тўғри, яроқсиз ҳолга келиб қолган техника ва бинаоларни сотиб, ҳўжалик ҳисоб рақамига пул тушурилгани яқини. Лекин яроқсиз ҳолга тушгунича қараб, чидаб туриш керакмиди?

Масаланин яна бир қизиқ томони шундаки, ҳўжалик миллион-миллион қарз, ишчиларга фалон вақтдан бери маош берилмайди-ю, сотилаётган мол-мулклар баҳоси сув текин. Шунини қимматроқ сотиб, ўша қарзлар қопланса, маошлар берилса яқини-ку. Лекин энди бу гаплардан нима фойда — умумий йиғилиш қарори чиқарилган ёки «кимоди» савдоси орқали амалга оширилган?

Шу йил март ойида бошқарув раислигини қабул қилиб олган Қарши Норбобоевнинг фикрича, юқоридаги мулкларни сотмасдан туриб ҳам вазиятдан чиқса бўлар экан. Рост, сотиб юбориш вазиятдан чиқшининг ягона йўли, дегувчилар адашади. Айтайлик «Трансавтотуризм» жамиятига техниклар кераксиз бўлиб қолган эмас. Аксинча, зарур бўлган. Масалан, 2002 йил «Миллий банкнинг» Юнусовд тумани филиали билан янги техниклар келтириш учун 50 миллион сўмга кредит шартномаси тузилади ва «ТАМ-260-119» ру-

сумли автобуслардан 3 дониси гаровга қўйилади. Банк ушбу автобусларнинг ҳолатини ўрганиб, ҳар бирининг баҳосини 20 миллион сўм, деб белгилайди. Техник ҳолати шундай ва улар билан бир вақтда келтирилган бошқа бир «ТАМ» автобуси эса ўтган йилнинг сентябрь ойида фуқаро Ю.Холмуратовга 1.165.000 сўмга сотилган... Демак, махвуд мулкларни арзон баҳода сотиш орқали эмас, уларни бошқа мақсадларда самарали ва қўлай фойдаланиш йўли билан жамиятга наф келтириш мумкин экан-ку!

Тўғри, мулкдан, айниқса ҳиссадорлар мулкдан тўкиб-сочиб фойдаланиш яқини эмас. Банкротлик ҳолатига яқин ашволга тушиб қолишига қарамасдан ушбу жамиятда ҳам шунга ўхшаш вазият кузатилгани ачинарли ҳол, албатта. Масалан, йил охирига келиб, ҳатто ишчиларнинг маошини тўлашга ҳам қурби етмай қолган жамиятнинг ўша йили шифохона ва аллергиялик Марказга 100 минг сўмга яқин пул ўтказганини қандай изоҳласа бўлади? Қизиги, бу даврда жамиятдан ҳеч ким ушбу шифохоналарда даволанган эмас экан...

Яна шунга ўхшаш вазият. Ўтган йил декабрь ойида жамият бошқаруви раиси Э.Ризаев Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасига жамият худудидидаги 5 дона чинор дарахтини кесибга рухсат сўраб, хат ёзади. Қўмита ўз навбатида 593140 сўм бадал талаб қилади ва икки ўртада шартнома тузилади. Одამни ажаблантиргани, кесилган 5 туп чинор дарахтининг бирор дониси жамият бухгалтериясига кирим қилинмаган ёки бирор ҳодимга иш ҳақи ҳисобига берилмаган. Ваҳоланки, шартномадаги 593.140 сўм эса жамият елкасига қарз бўлиб, илдири.

Дарвоқе, қарзлар ҳақида. Жамиятда жорий йилнинг февраль ойида умумий йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш аъзо-

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ! АНГРЕН ШАҲАР КИМЁ САНОАТИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Коллеж қўйидаги мутахассисликлар
бўйича 9-синф битирувчиларини ўқиш-
га қабул қилади:

- Металларга ишлов бериш механиги;
- Пайвандлаш жиҳозлари механиги;
- Тоғ-кон электр жиҳозларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича механик;
- Кимёвий ишлаб чиқариш лаборатория назорати ва хизмат кўрсатиш бўйича механик;
- Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича механик;
- Нефть-газга қайта ва нефтни кимёвий ишлаб чиқаришда ва кимёвий таҳлил ҳамда техник хизмат кўрсатиш бўйича механик;
- Бухгалтер-аудитор.



ҲИНДИСТОН

Мамлакат полицияси 11 июль куни Мумбаи (собик Бомбей) темир йўлларида содир этилган портлашлар ташкилотчиларини қидиришни давом эттирмоқда. Кечки пайт йўловчи ташиш поездларида уюштирилган етти та портлаш натижасида 190 нафар киши ҳалок бўлди, 625 киши жароҳатланди.



Хунрезликлар учун ҳозирча жавобгарликни ҳеч ким бўйича олгани йўқ. Бироқ Ҳиндистон ҳукумати портлашларга пухта тайёргарлик кўрилганини таъкидламоқда.

— Бу гўзал шаҳар аҳолиси террорчилар таҳдидан ваҳимага тушмай, осойишталикни сақлай олишига аминман. Биз эса террорчилар пайини кесиш ва улар бошқа муваффақият қозонмасликлари учун қўлимиздан келганини қиламиз, — деди мамлакат бош вазири Манмохан Сингх.

Полиция Мумбаи жойлашган Махараштра штати бўйлаб қидирув ўтказмоқда. Ҳиндистоннинг бошқа катта шаҳарларида ҳам хавфсизлик чоралари кучайтирилган.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ — ЭРОН

Европа Иттифоқи вакиллари европаликлар режаси бўйича Эронга мустақил равишда урanni бойитишни давом эттиришининг олдини олувчи тақлифларга жавоб кутишмоқда. Бироқ Эрон расмий вакиллари бу борада тезкор жавоб кутмасликни маслаҳат беришди. Теврон бу тақлифларга жавобни август ойида, яъни БМТ Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида беришини билдирди.



Еининг ташқи сиёсат бўйича вакили Хавьер Солана ва Эрон Ташқи ишлар вазирлиги вакили Али Ларжони ўртасида музокаралар бўлиб ўтмоқда. Эрон урanni бойитишни тўхтатса, унга замонавий ядро технологиялари, энг сўнгги реактор ва ядро ёнгиғисини етказиб бериш ваъда қилинди. Бундан ташқари мамлакатга иқтисодий ёрдам ҳам тақлиф этилди.

Европаликлар тақлифларига жавобни Петербургдаги «катта саккизлик» саммити олдиндан олишни режалаштиришганди. Солана Эрон вакили билан олиб борилган музокаралар натижасини Буюк Британия, Германия, Франция, АҚШ, Россия ва Ҳитой ташқи ишлар вазирларига ҳавола этмоқчи.

ФАЛАСТИН

Чорланбага ўтар кечаси Исроил ҳарбий ҳаво кўчлари Ҳазо минтақасини ўққа тутди. Олти нафар фаластинлик, шу жумладан, Эта ёш бола Исроил ҳарбий самолёти амалга оширилган ҳаво ҳужумидан вайронга айланган уч қаватли уй қолдиқлари остида қолиб, ҳалок бўлди.



Шифокорлар берган маълумотга кўра, яна 24 нафар киши турли жароҳатлар билан касалхоналарга етказилган.

Ўққа тутилган уй «ХАМАС» ҳаракатининг фаолларидан бири Набил ас-Самилга тегишли эди.

Исроил ҳарбийлари бу бино «террорчилар бандаргоҳи»га айлангани учун ҳам уни ўққа тутилганини айтишган. Ҳарбийлар бу уйда Исроил давлатига қарши ҳужумлар уюштириш режалари тузилганлигини ҳам айтиб ўтишди.

Исроил армияси Ҳазо минтақасининг шимолдаги яна бир «террорчилик инфратузилмасига» ҳужум қилди. Исроил армияси вакили разведка аборооти одингач, Исроил худуди ўққа тутилишининг олдини олиш мақсадида «ХАМАС» гуруҳи етакчиларига ҳужум уюштириш борасида қарор қилинганлиги ҳақида айтиб ўтди.

Бу ҳужум натижасида 18 нафар шахс жароҳатланганлиги маълум бўлди. Яраланганлар орасида Ҳазо минтақаси шимолдаги «ХАМАС» қуролланган қаноти қўмондони Абу Анас ал-Хандур ҳам бор.



Ўқишга кирувчилар қўйидаги хужжатларни топширадилар:

- * Директор номига ариза;
- * Туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (нусхаси);
- * Маълумоти ҳақида хужжат (асл нусхаси);
- * Тиббий маълумотнома — 086-У шаклида;
- * Турар жойидан маълумотнома;
- * 3x4 ҳажмдаги фотосурат (6 дона);

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри,
Чикризова кўчаси 24-уй, тел.: (8.266) 5-14-94, 5-06-68 (факс)



• Акс-садо

«МОДА» ВА ЁШЛАР

«Ёшларимиз кийиниш маданияти қандай бўлиши кимга, нимага боғлиқ?»
(«Ўзбекистон овози», 29 июнь 2006 йил)

...Қишлоққа қайтаётган-дим. Шаҳарнинг марказий кўчасидан ўтаётганимизда бирдан чорраҳада йўл тўсилиб қолди. Ўртада одамлар тўпланиб нимадир қилишяпти. Шу пайт хаёлимиздан «бирор ноҳуш воқеа юз бермадимикан», деган ўй ўтди. Хайриятки, ундай эмас экан. Йўлнинг икки томонида машиналар қатор терилган, ўртада келин-куёв. Уларнинг ёнидагилар икки ёшнинг бахти учун кетма-кет қадаҳ кўтаришяпти. Бир-биридан «башанг» кийинган келиннинг дугоналари, куёвнинг жўралари бўлган йигит-қизлар эса суратга тушишмоқда эди.

Орада турган кимдир бу ҳолни кўриб:
— Кўчанинг қоқ ўртасида, бу нима қилиқ, — деди.
— Ие, ҳали хабарингиз йўқми, шаҳарда ҳозир шунақаси «мода»га айланди-ку, — деди унга жавабдан биров. — Кўпчилик ёшлар ҳозир тўйларини ана шундай ўтказишяпти.

Шу пайт орқада кутиб қолган ҳайдовчилар кўча тўсилганидан жигибийрон бўлиб ўртадагиларга бақира кетишди. Йўлни бир амаллаб бўшатилган, ҳамма ўз йўналишида давом этди.

Бу бир воқеа. Аммо бир манзара мени беихтиёр ўйлантириб қўйди. Тўй иштирокисли бўлган ёшларнинг ўзини туттишлари, қилиқлари, айниқса баъзиларнинг эгнидаги либослари жуда галати эди. Тиззаси ўйқим шим, бўйнида боғичи бор, олди-орқасига турли суратлар туширилган футболка. Яна сочларига алламбало нарсаларни суриб олишган. Муомала маданиятини-ку гапирмаса ҳам бўлади.

Тўғри, ёшларимизнинг замонавийликка интилишлари яхши. Имкони бор одам хохласа янги фасондаги кийимларни кийишни ўйлайди. Бироқ гарбга тақлид қилиб, ярим яланғоч кийиниш маданиятини белгилай олмайди-ку!

Қизларимизга турли хил атлас қўйлақлар ярашиб

турган.

Ҳозир университетни битириб олий маълумот эгаси бўлган ҳам, ёки таълим-тарбия муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар ҳам кимгадир, нимагадир тақлид қилишади. Замонга, иқлимга, фаслга қараб кийинишни ҳеч ким инкор этмайди. Аммо, кийинишда ҳаё, ибоб бўлса одамни янада гўзал қилиб кўрсатади. Аслида кийиниш кишининг маънавиятини, дунёқарашини белгилайди. Бу борада фақат ёшларни айблаш ноўриндир. Катталар ҳам оиладаги фарзанд тарбиясида, кийинишига бўлган лоқайд муносабатни ўзгариштириши, масъулият ҳиссини янада оширишлари керак, назаримизда. Шу ўринда ёшларимизнинг кийиниш маданияти қандай бўлиши кимга, нимага боғлиқлиги тўғрисида дастлаб ота-оналар, маҳалла фаоллари, шунингдек, ўқув юрти мутасаддилари жиддий бош қотиришлари зарурга ўшайди.

Сафохон САЪДУЛЛАЕВ, Оқдарё педагогика коллежи директори:

— Талабаларимизнинг аксарият қисмини қизлар ташкил этади. Ҳозир «мода»га айланаётган турли-туман кийимлар бозорларимизни тўлдириб турган бир пайтда табиийки, ҳар бир талаба бу матоҳни неча сўм бўлишидан қатъи назар олиб кийгиси келади. Энг ёмони, ҳозир баъзи ёшларимиз эгнидаги либоси билан ўзини тенгдошларидан устун қўйишга одатланишмоқда. Шундай пайтда биз ота-оналар: қўй қизим, буни киймагин, мана буниси одмироқ экан, шуни олиб берақолай демаймиз. Аксинча, тилаб олган битта-ю битта қизим бўлса, хохлаган кийимини кийсин қабилида иш тутувчилар кўпайиб кетди. Улар фарзандини модадан орқада қолдирмасликка ҳаракат қилади. Натижанда боланинг дунёқараши ўзгаради. Унда енгил-елпиликка, дабдабага мойиллик кучаяди.

Коллежимизда қизларимизни оилага тайёрлаш, муомала маданияти, кийини-

ши, юриш туриши кабилар асосий режага киритилган. Бизнинг қизлар тор шим, калта юбка киймайди. Коллеж томонидан жорий қилинган махсус формада юришади.


Дилором САЛОҲИЙ, СамДУ ўзбек адабиёти тарихи кафедраси мудири, филология фанлари доктори:

— Бугун, назаримда олий даргоҳ талабаси ўз номи билан ажралиб туриши керак. Негаки, унда билим олишга бўлган қизиқиш, нозик дид, юксак тафаккур, фаҳм-фаросат — ҳамма-ҳаммаси мужассамлашмоғи лозим. Бироқ, кейинги пайтда қизларимизнинг ўта «замонавийлашиб» кетаётгани, айниқса, ярим-алонгоч либосларда эркин юришлари мени қаттиқ ранжитди. Мен бу билан ҳамма ёшларимизни айбламоқчи эмасман. Лекин халқимизда «шолди курмаксиз бўлмайди», деган мақол бор. Бугун ибоб-хаёли қизларимиз, ориятли йигитларимиз орасида «антика» кийимлари, бачкана қилиқлари билан эътиборни тортган ёшлар ҳам борлиги ачинарли.

Шу ўринда бундай ёшлар қандай пайдо бўлмоқда, деган савол туглади. Назаримда, буларнинг барчаси биринчи галда ота-онага, оиладаги муҳитга боғлиқ. Маънавиятли, илмли хонадоннинг фарзанди бунақа бўлмайди. Улар доим маҳалланинг, атрофдагиларнинг эътиборида бўлишади.

Сўнги сўз ўрнида шуни айтмоқчимизки, аввало кимнинг қанақа кийиниши, юриши-туриши, ўзини туттиши қандай муҳитда тарбия топганлигига боғлиқ. Бу борада биз замонавий кийинишни ёшларимиз учун чегаралаш ёки таъқиқлаш лозим, демоқчи эмасмиз. Бу иш ҳар кимнинг ўз диди, эҳтиёжи, қолаверса, виждонига ҳавола. Ахир айтишадими-ку, «қуш уясида қўрганини қилади» деб.

Бектош ИСМОИЛОВ



• Спорт

ЗИДАН НЕГА НОЖЎЯ ҲАРАКАТ ҚИЛДИ?

Футбол бўйича Германияда ўтказилган жаҳон чемпионати якунланган бўлса-да, унинг атрофидаги гаплар ҳамон давом этмоқда. Айниқса, якунловчи финал ўйинида Франциялик машҳур футболчи, терма жамоа сардори Зинеддин Зиданнинг кутилмаганда италиян ҳимоячиси Марко Матерацининг кўксига калла уриб ағдариши баччани хайратга солди. Шу кунларда Марко Зиданга нима билан газабга келгани ҳақида турли тахминлар айтилмоқда. Қизиги шундаки, Зидан ҳеч кимга лом-мим демаяпти. Марконинг сўзлари эса турли-хил шарҳланмоқда. Лекин ҳаммасининг замирида бир фикр: Зиданнинг шахсига тегадиган қаттиқ гап айтилган. Тўғриси Франция ва Италия томонлари ҳам ҳар иккала футболчи ўртасида бўлиб ўтган ноҳуш воқеани аниқлашни талаб қилмоқдалар. Хусусан, Италия парламенти депутати Риккардо Виллари

мамлакат спорт вазири Джованне Меландридан ушбу жумбоққа аниқлик киритишни талаб қилган. Шунингдек, Францияда фаолият кўрсатаётган ирқчиликка қарши ташкилоти ҳам бўлиб ўтган воқеани ҳар тарафлама текшириш лозимлигини таъкидлаган. Ҳозирча италиян футболчиси Марко ҳақиқатни бироз очгандай бўлди. Хусусан у: «Зидан ўйин пайтида ўзини бошқача тутди. Тоқат қилиш қийин эди. Мен унга сўз қотишга мажбур бўлдим. Билиб-билмай майкасига қўлим тегиб кетди. У бўлса мени масхаралагандай қараш қилиб: «Агар сенга менинг майкам керак бўлса», уни пенальти тўплари тепилгандан кейин олсан, деди. Жаҳлим чиқди, бу ҳақиқат», деган сўзларни айтган. Ким билади дейсиз. Нима бўлганда ҳам ҳамма эслаб юрадиган бу воқеанинг аслида нима сабабдан рўй бергани барчани қизиқтирмоқда. Балки, сириги Зидан очар...

Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ тайёрлади

Давлат Мулки Қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурдаги

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2006 йилнинг 18, 21, 25, 28 июль кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига

Тошкент шаҳар ҳўжжалик судининг қарорига асосан банкрот деб топилган Собир Раҳимов тумани, Широқ кўчаси, 100-ўйда жойлашган «Уй-жой қуриши» АЖнинг 1991 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10АН 326 бўлган «КамАЗ-5511» русумли автотранспорт воситаси, кредиторлар йиғилишининг 2006 йил 4 июлдаги 9-сонли йиғилиш баёнига асосан 9 691 480 сўм бошланғич нарх билан қайтадан қўйилади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабдорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдордаги закатлат пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотэка-банк» Шайхонтохур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдодан соат 11.00 да бошланади. Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» ўйда ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49. Гўвоҳнома № 000815

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2006 йилнинг 16, 20, 27, 30 июнь ва 4 июль кунлари ўтказилган аукцион савдоларида қўйидаги объектларнинг сотилганлигини маълум қилади:

Тошкент шаҳри ҳудудида ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи:

Чилонзор тумани, Ш.Исломов кўчасида, сатҳи 0,01 га. бўлган, Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси — 4 600 000 сўмга;

Сирғали тумани. А.Ахматова кўчасида: — сатҳи 0,06 га. бўлган, маъмурий бино ва офис қуриш учун ер участкаси — 5 400 000 сўмга; — сатҳи 0,3 га. бўлган, хусусий шифохона қуриш учун ер участкаси — 24 000 000 сўмга сотилди.

Тошкент шаҳри ҳудудида яқка тартибдаги ўй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкаларига умрбод эгалик ҳуқуқи:

Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчасида: — сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси — 3 300 000 сўмга; — сатҳи 0,0189 га. бўлган ер участкаси — 2 150 000 сўмга; — сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси — 4 350 000 сўмга;

Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчасида ободонлаштириш ишлари учун мўлжалланган, сатҳи 0,018 га. бўлган ер участкасига фойдаланиш ҳуқуқи — 2 250 000 сўмга сотилди.

Автотранспорт воситалари: Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг д/р 10АР 138 бўлган «ГА3-31029» русумли а/в — 1 700 000 сўмга; «O'ZBALIQ» АК Ишлар бошқаруви шўба корхонасининг д/р 10УЗ 511 бўлган «ГА3-310200» русумли а/в — 2 600 000 сўмга; Тошкент давлат техника университетининг д/р 10АЖ 776 бўлган «ВА3-21061» русумли а/в — 1 120 000 сўмга; Тошкент Давлат техника университетининг д/р 10АС 567 бўлган «ВА3-2107» русумли а/в — 1 240 000 сўмга сотилди.

«Найм блокли уй қуриш таърибуви комбинати» (ЭКОБД) ҳиссадорлик жамиятининг «КПД-5» заводи — 900 000 000 сўмга;

«Найм блокли уй қуриш таърибуви комбинати» (ЭКОБД) ҳиссадорлик жамиятининг тайёр маҳсулотлар амборхонаси — 240 000 000 сўмга сотилди.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

АНГРЕН ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ

2006-2007 ўқув йили учун куйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

9-синф ҳажмида.

Ўқиш муддати — 3 йил

- ❖ Бошланғич таълим
- ❖ Тарбиявий спорт ишларини ташкил этиш
- ❖ Мактабгача ва оилавий таълим
- ❖ Хўжалик ҳуқуқий фаолият
- ❖ Молия

Ўқишга кирувчилар куйидаги ҳужжатларни топширадилар:

- ❑ Директор номига ариза.
- ❑ Маълумоти ҳақидаги гўвоҳноманинг асл нусхаси.
- ❑ Тавсиянома.
- ❑ 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома.
- ❑ 3x4 ҳажмдаги 4 та фотосурат.
- ❑ Турар-жойидан маълумотнома.

Ўқишга кирувчилар куйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Туғилганлик ҳақидаги гўвоҳнома ёки паспорт.

2. Ҳарбий рўйхатда турганлиги ҳақида гўвоҳнома.

☎ ☎ ☎

Манзилимиз:

Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 17-уй.

Телефонлар:

(8 266)

2-52-23,

2-54-40,

2-40-78,

2-31-84.

